

## “ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ” ФАНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14510088>

Қиём Назаров,  
фалсафа фанлари доктори., профессор

**Аннотация:** Мазкур мақолада “Ўзбек фалсафаси” фани шаклланиши ва унинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. “Ўзбек фалсафаси” атамасининг илмий муомалага киритилиши билан боғлиқ қийинчиликлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбек фалсафаси, фалсафа тарихи, ҳикмат. илм-фан тарихи.

Фалсафа инсониятнинг ўзи каби қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади. Олис ва яқин ўтмишда қайси халқ ўзига хос цивилизация яратиб, илму ҳикмат бобида ютуқларга эришган бўлса, албатта у миллий фалсафа мактаби билан ҳам шуҳрат қозонган. Шу асосда шаклланган кўплаб миллий мактаблар жаҳон фалсафасининг таркибий қисмiga айланган.

Ҳеч шубҳасиз, ана шундай мактаблар қаторида тарихда Турон, Туркистон, Мовароуннахр фалсафа мактаби деган номлар билан машҳур бўлган ноёб ижтимоий ҳодисанинг ўзагини ташкил этган ўзбек фалсафасининг борлиги ҳам айни ҳақиқатdir.

«Ўзбек фалсафаси» ибораси эса илм-фанда мустақиллик йилларида фаол қўллана бошлади ва умуминсоний тафаккурнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда шу номдаги алоҳида фан, илмий тадқиқотлар йўналиши, миллий фалсафамизнинг алоҳида соҳаси шаклланмоқда. Ушбу фаннинг тарихи ва тадрижи, мақсад ва вазифалари, асосий мавзулари, тушунча ва категорияларини тавсифлаш ва аниқ-тиник баён этиш, мазкур соҳага доир масалаларни чуқур ва атрофлича таълил қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Биз яшаётган дунё сўнгги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, халқимиз XX асрнинг 90-йилларида мустақилликка эришди, кейинги йилларда эса, Янги Ўзбекистонни, ривожланган давлат ва етук фуқаролик жамиятини барпо этишга киришди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек ушбу жараён ўз навбатида, жамият дунёқарашини тубдан ўзгартириш, янги даврга мос замонавий тафаккурни шакллантириш, халқ маънавиятини янада юксалтиришни тақозо этмоқда.

Албатта, ҳамма соҳалар қатори тафаккур, маънавият оламида ҳам рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ўзлиги ва маънавий мустақиллигини сақлаб қолишга интилаётган халқ ва давлатлар миллий фалсафасини тараққиёт модели талабларига уйғунлаштириш, шу орқали ривожланишининг янги босқичига кўтарилишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада дунёда муайян тажриба ҳам тўпланган.

Биз бугунги қунда «юонон фалсафаси», «хитой фалсафаси», «хинд фалсафаси», «араб фалсафаси», «инглиз фалсафаси», «француз фалсафаси» ёки «немис фалсафаси» каби атамаларга ўрганиб қолганмиз. Ана шундай номлар билан юритиладиган фалсафа мактабларининг ҳар бири инсоният цивилизацияси ҳақида алоҳида ёндашувларга эга бўлиши билан бирга, ўз халқининг бетакрор миллий қиёфаси, қадрият ва анъаналари, менталитети ҳамда маънавиятини ҳам теран акс эттиради. Айнан шунинг учун ҳам улар юқсан эътирофларга сазовор бўлган.

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик қузатиш ва тадқиқотлар шундан далолат берадики, шонли тарихи, улуғ алломалари, бекиёс моддий ва маънавий бойликлари мавжуд бўлган юртда албатта юқсан ривожланган фалсафа, ўзига хос дунёқараш, илғор тафаккур шакллангани табиий ҳолдир. Бинобарин, бизнинг жаҳон фалсафасида ҳақли тарзда эътироф этиладиган ва унинг муҳим таркибий қисмига айланган миллий фалсафамиз бор ва унинг тараққиёти учун кенг уфқлар очилиши зарурлиги ҳаёт тақозосига айланди, деб айтишга барча асослар етарли.

*Шу маънода, ўзбек фалсафаси минг йилликлар қаъридан келаётган ва узоқ маданий тарихга эга бўлган халқимиз билан бирга шаклланган этник дунёқараш шакли, жаҳон тафаккур тизимидан озиқланиб, асрлар давомида у билан уйғун ҳолда ривожланган, замонлар оша турли ижтимоий-сиёсий жараёнларда бойиб, муттасил янгиланиб ва такомиллашиб келаётган ноёб ҳодиса, миллий-маънавий феномендир.*

Бугунги қунда «Ўзбек фалсафаси» тушунчаси илмий-академик доираларда кенг қўлланаётгани, ҳеч шубҳасиз, юртимизнинг мустақилликка эришганидан кейинги даври, айниқса, ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда «Авесто» китоби яратилган олис замонлардан токи ҳозирги давргача узоқ тарихий йўлни босиб ўтган ушбу фалсафанинг шаклланиш ва такомиллашиш босқичлари илмий-назарий жиҳатдан атрофлича таҳлил этилган тадқиқот ва изланишлар бармоқ билан санарли эканини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.

Халқимизнинг замонавий тафаккури шаклланиши учун улкан аҳамиятга молик миллий фалсафамизнинг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутган тарихий ва ижтимоий омиллар ҳақида фикр юритганда қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

**Биринчидан**, азалдан инсон макон этган энг қадими заминлардан бири бўлган азим Сирдарё ва Амударё ҳавзасида жойлашган юртимиз иқлимининг мўътадиллиги, бу ерда табиатнинг тўрт фасли ҳам тўлиқ кузатилиши, дехқончилик маданияти ва ўтроқ ҳаётнинг ривожлангани шу ҳудудда яшаб келган халқнинг ўзига хос турмуш ва тафаккур тарзи, онги ва дунёқарашининг шаклланишига кучли таъсир ўтказган. Шу асосда она заминга садоқат, кучли ватанпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат ва мулоқотдаги оғир-вазминлик, ўзгаларга саховат ва меҳмондўстлик каби фазилатлар азалдан асосий миллий фалсафий қадриятлар даражасига кўтарилиган.

**Иккинчидан**, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадим замонлардан бошлиб буюк карvon йўллари устида жойлашган. Айниқса, илк қадамлари олис минг йиллар қаъридан бошланган Буюк ипак йўлининг энг муҳим чорраҳаларидан бири айнан шу ҳудуд бўлгани эса халқимизнинг турли маданият ва қадриятлар, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар яратган. Энг муҳими, ўлкамиз аҳолисининг қалби ва онгida бошқа халқ ва миллатларнинг турмуш ва тафаккур тарзи, санъати, адабиёти, уруф-одат ва анъаналарига ҳурмат руҳини, бағрикенглик ва мулоқот учун очиқлик, дўстлик ва олижаноблик фазилатларини шакллантирган.

**Учинчидан**, бу заминда азалдан турли элатлар ва миллатларнинг ўзаро инок, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, қадимдан мавжуд бўлган зардуштийлик ва буддизм таълимотлари билан ислом динининг уйғунлашуви инсонпарварлик, болажонлик, оиласпарварлик, илм-маърифат, ҳақиқат ва адолат учун фидоийликнинг бошқа минтақаларда камдан-кам учрайдиган юксак намуналари шаклланишига сабаб бўлган.

**Тўртинчидан**, диний ва дунёвий тасаввурларнинг ўзаро уйғун ва ҳамкорликда ривожланиши Марказий Осиёда «Авесто» маданияти, Монийлик ва Маздак таълимoti, Хоразм Маъмун академияси, Улугбек академияси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Урганч ва Шахрисабз каби илмий марказларнинг пайдо бўлиши, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс каби ноёб ҳодисалар айнан шу ўлкада юқори чўққига кўтарилиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса ўз навбатида, минтақада илм-фан ривожи ва ижтимоий- фалсафий тафаккурнинг тараққиёти учун мустаҳкам замин мавжуд бўлишига кенг имкониятлар яратган.

Табиийки, ана шу ва яна бир қатор бошқа омиллар ўзбек фалсафасининг кўп қиррали ва ғоят кенг кўламли маънавий-маърифий тизим сифатида

вужудга келиши, тадрижи ва такомилида беқиёс роль ўйнади. Шу билан бирга, жаҳон ва минтақа умумий таафаккури бағрида камол топган ушбу миллий фалсафа асрлар давомида ватандошларимизнинг барча авлодлари қалби ва онгига катта таъсир кўрсатиб келди, ҳалқимиз маънавияти ва дунёқарашининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Афсуски, ўтган асрда бизнинг онгимизга фалсафанинг ҳалқдан йироқ ва қўпчилик учун тушунарсиз бўлган, аксарият ҳолларда мураккаб категория ва мавхум тушунчалардан иборат шакли сингдирилди. Ушбу бир ёқламаликнинг таъсири мамлакатимиздаги фалсафий доираларда ҳалигача сезилади ва бу айрим кишиларда “Фалсафа мутлақо тушунарсиз илм соҳаси”, бальзи ҳолларда эса, “Фалсафа бутунлай кераксиз фан” деган нотўғри тасаввурлар ҳосил бўлиши ва уларнинг ҳали-хамон сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Бу жиҳатдан, ўзбек фалсафасининг тарихи ва тадрижига мутлақо янги методология асосида ёндашиш, яъни уни ҳалқимизнинг олис минг йилликлар қаъридан давом этиб келаётган яхлит ва изчил дунёқараши, ўзига хос миллий тафаккур шакли, миллатимиз ҳаётининг ижтимоий-маънавий феномени сифатида тушуниши ва талқин қилиш эҳтиёжси бугунги куннинг муҳим заруратига айланди, дейиш учун барча асослар етилди.

Бу борада янги методология асосланадиган қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга:

**Биринчи**, инсоният тарихида барча истилолар билан боғлиқ бир қонуният борки, бу - истилочилар ҳалқнинг ўзлари келганига қадар мавжуд бўлган барча осори-атиқалари, муқаддас қадамжолари, моддий ва маънавий бойликлари, миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳам йўқотиб бораверадилар. Мазкур жараёндаги тадбирлар истило қилинган ҳалқнинг тарихий хотирасини ўзгартириш, унинг тафаккурига истилочиларнинг тушунча ва тамойилларини, қадриятларини сингдириш ва шу асосда ўзларига мос янги ва таслимчи авлодни шакллантириш асосий мақсад бўлиб қолаверган.

Ушбу йўналишдаги иккинчи қонуният шундайки, истилочиларнинг узоқ вақт, яъни истило даври қанча давом этса, шунча чўзиладиган ва бўйсўндирилган ҳалқнинг мард, ботир, билимли, миллатпарвар кишиларини пайдар-пай йўқотиб борилиши ва шу аснода палид ва майдакаш, миллат қайғусидан кўра амал ва қорин илинжидаги кишилар генини миллат қонида, унинг генофондида қўпайтириб боришга ҳаракат қилинишидир.

Бу вазифалар бир неча марта узоқ чўзилган истилолар домига тушган ҳалқимизга нисбатан асрлар давомида шундай самарали бажарилганки, ўз ўтмишимизда яратилган осори-атиқалар, қадриятларнинг асл муаллифи бизнинг ҳалқимиз эканлигига ишонмайдиганлар, яъни қадриятлармизни

қадрламайдиганлар, истилочиларга ишонадиганлар ва уларга хизмат қиласидиганлар сафи тобора ортиб бораверган.

Аввалига Македониялик Искандар, истилоси, сўнгра эса кейинги босқинлар Авесто давридан ҳозирги давргача ҳалқимиз ҳаётининг асл тарихи ва тадрижи ҳақида бизга етарли маълумотлар қолдирмаган ва аслида истилоларнинг мақсадларидан бири ҳам шу бўлган. Яъни, ҳалқимизнинг осори-атиқаларини ғорат қилган, иложи борича йўқотган, хусусан “Авесто”нинг катта қисмини ёқиб юборган ва унинг қолган қисмини Юнонистонга юборган Искандардан кейинги босқинчилар ҳам унинг йўлидан борганлар. Уларнинг барчаси ўзларига мос келмайдиган осори-атиқаларни, миллий қадриятларни аёвсиз йўқ қилишган, уларни ҳалқ хотирасидан ўчириш ва миллатнинг тарихий хотирасини йўқотиш ҳамда уни тубдан ўзгартириш истилочилар учун асосий вазифа бўлиб қолаверган.

Бу жиҳатдан, инсоният тарихининг қадимий қонунларидан бири, яъни муайян миллат узоқ давом этган истибдод давридан ўтиб, мустақилликка эришиши биланоқ, унинг тафаккури бир кунда ёки бир йилда тўла мустақил бўлиши ва бирданига тубдан янгиланиши қийинлиги мутахасисларга маълум.

Шу маънода истило этилган миллатнинг озод ва мустақил ҳаётга эришгани унинг тафаккури тезда ўзгариб, асл илдизларига қайтиши ва ўзлигини осонгина англаб, фалсафий ҳаётининг тарихий асосларини зудлик билан ва тезгина тўғри тушуниб олишини англатмайди. Ва бу соҳадаги мутлақ янгиланиш, тафаккурнинг тубдан тўзгариши жараёни бир неча йиллар, баъзида ўнлаб йиллар давом этиши мумкинлигини ҳам олимлар яхши билишади.

Фалсафанинг азалий қоидаларидан бирига кўра, давр ўтади одамлар қолади, замон янгиланади, аммо эски истибдод даврига хос тасаввурларнинг миллат генофондига сингдирилган таъсири қолади. Яъни, вақт, замон шиддат билан ўтаверади, аммо ҳалқ, унинг онги, тафаккури, қадриятлари қолаверади.

Албатта, одамлар онгига эски даврда кўплаб мезонлар каби, кейинги асрларда сингдирилган фалсафий категория, тушунча ва тамойиллар ҳам бир муддат сақланиб қолади. Асл мезонларга қайтиш, тафаккур ва руҳиятнинг янгиланиши учун ҳам муайян муддат лозим бўлади.

Ушбу ўзгариш ва янгиланиш жараёнида асл тарих сахифалари тикланиши, муҳим воқеалар илдизи ва тадрижи ҳақидаги тасаввурлар янгиланиши ва тарихий ҳақиқатлар ўз ўрнини топиши билан боғлиқ мураккаб ўзгариш жараёни рўй беради.

Бу жараёнда ҳалқ ўзини ва ўзлигиниenglaysdi, ўтмишнинг узилиб қолган нуқталари орасидаги боғлиқлик, истилолар натижасида ва истилочилар томонидан атайлаб яратилган узлуклилик занжирни янги даврга уланади,

тариҳий воқеаларнинг узлуксизлик тамоили тикланади, тариҳга янгича нуқтаи-назар шаклланади.

Бугунги кунга келиб, юртимизда ана шундай жараён яққол намоён бўлмоқда. Ушбу серқирра ва дориломон жараёнда тариҳга янгича қараш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мустақиллик тафаккурига эга бўлган янги файласуфлар, тариҳчилар, адабиётчилар хуллас янги зиёлилар авлоди шаклланмоқда, ўтмишимизнинг узилиб қолган нуқталари қайта боғланмоқда, улар ҳақидаги асл ҳақиқатлар тикланмоқда.

Натижада ўзбек қадриятларининг асл илдизлари, миллий тафаккурининг антик манбалари бўлган халқ оғзаки ижодининг қадимги намуналари ва мумтоз осори-атиқалар, халқимиз фалсафасининг Ренессанслар даври, ўрта асрлардаги ва ундан кийинги даври, хусусан ўтган асрдаги жараёнлар тўғрисидаги ҳақиқатлар ҳам қайта тикланмоқда.

Бу жиҳатдан, ҳозирги даврда олис тарих силсилаидан келаётган ва турли истилолар билан боғлиқ аянчли мероснинг халқ тафаккуридаги қолдиқларини бартараф қилиш, миллат генофондини янгилаш, унинг тафаккурини ҳақиқий мустақиллик дунёқарашига айлантириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий фаолиятни янада кучайтириш, жумладан миллий фалсафа тарихи ва тадрижи, унинг такомил босқичлари, аҳоли, айниқса ёшлар онгидаги борадаги ҳолисона фикрларни шакллантириш, айниса фалсафий таълим-тарбия масалаларига янгича қарашни тақазо қилмоқда.

**Иккинчи**, бу жиҳатдан, ниҳоятда катта ўқинч ва афсус билан қайд этиш керакки, Ватанимиз тарихининг Биринчи Ренессансгача бўлган даврлар фалсафаси ниҳоятда кам ўрганилган. Турли босқинлар, мустамлакачи ва мутаассиб тузумлар бунга йўл бермаган, улар натижасида қадимги даврга оид манбалар, халқимизнинг жаҳон маданияти, инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатган бой маданий мероси аёвсиз йўқ қилинаверган. Юртимизда истилолга қадар устувор бўлган фалсафий ғоялар, маънавий ва маданий дурдоналар қадрини яхши англайдиган, уларнинг аҳамиятини тушунадиган кишилар эса, биринчи навбатда йўқотиб юборилган.

Бу масалада Беруний бобомизнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари юртимизга ислом кириб келганидан олдинги замонлар маъно-мазмуни ва тарихий аҳамиятини тушуниш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Асарда истилочиларнинг барча осору-атиқаларни аёвсиз йўқ қилиб юборгани, ерли аҳоли уларни миллий хотирадан бутунлай йўқолиб кетмаслиги учун ёдлаш ва эслаш қобилиятига зўр бера бошлагани ва буни англаган истилочилар фақат ўзларига хизмат қиласидиган иқтидорларни

қолдириб ва уларни рағбатлантириб, бошқаларни қириб юборганлари ва буни давом эттираётгандар тўғрисидаги аламли фикрлари бежиз ёзилмаган.

Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Бу тўғрида Беруний ўз асарида қуйидагиларни ёзган: “Кутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”. Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим юқоридагига ўхшаш яна бир фикрни қуйидагича ифода этган: “Кутайба хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларни куйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига сунадиган бўлдилар ”. Беруний замонида халифалик даври ва ягона ҳукмрон мафкура мавжуд бўлганини эътиборга олсақ, зикр этилган асар ва ундағи теран фикрларни бу қадар ўқтамлик билан айтиш ғоят улкан жасоратни талаб этгани аён бўлади.

Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин ҳам давом этди ва ҳар сафар ана шундай ҳол рўй бераверди. Нихоятда бой қадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман ўз меросимиздан бебахра бўлиб қолдик. Баъзи тушунча ҳамда атамалар, маънавий қадриятлар, фалсафий категориялар, кўплаб аллома ва мутафаккирларнинг номлари нафақат тилдан, балки дилдан ҳам чиқиб кетди ва бутунлай унутилди.

Бу жиҳатдан, бугунги ўзбек фалсафасида қадимдан шаклланган ва Биринчи Ренесансгача юртимиз фалсафасининг таркибий қисмлари бўлган мифологик ғоя ва қарашлар, ҳалқ оғзаки ижоди, “Авесто” даври ва ундан кейинги асрларнинг маънавий-фалсафий осори-атиқалари чуқур ўрганилиши лозим ва зурур. Ушбу йўналишда, олис асрлар қаъридан ҳозирги кунларгача ҳалқимиз дилида ва тилида сақланиб келаётган, энг қадимги мифологик фалсафамизга хос “Тангричилик” ва «Кўк Тангри», “Оташпаратлик” ва “Зардушийлик”, «Зардушт таълимоти» ва «Авесто фалсафаси», «Икки ибтидо», яъни “Эзгулик” ва “Ёвузлик”, «Нур дунёси» ва «Зулмат дунёси» «Эзгу фикр”, “Эзгу сўз”, “Эзгу амал» каби ижтимоий-фалсафий тушунча ва категорияларни ҳамда улар билан боғлиқ «Олов – олий қудрат», «Ёргуллик – илк асос», «Нур дунёси – яхшилик», «Зулмат дунёси – ёмонлик», «Рӯҳ – нур фарзанди», “Жон – абадий нур”, «Жисм – зулмат маҳсули» каби тамоийларни ўзбек фалсафасининг муҳим таркибий қисмлари сифатида талқин қилиши мақсадга мувофиқдир.

**Учинчи,** Маълумки, ўтган асрда бизнинг онгимизга фалсафанинг қадимги Юнонистонда дунёга келган, халқдан йироқ ва кўпчилик учун тушунарсиз бўлган шакли сингдирилди. Аслида у авомнинг тушуниши учун эмас, балки тушунмаслиги учун, яъни юонон киборларининг халқдан устунлиги, тафаккурининг фуқаролардан кўра юкори даражада эканини исботлаш ва асослаш учун ўйлаб топилган мураккаб категория ва мавхум тушунчалардан иборат фан сифатида вужудга келган ва унча кўп бўлмаган гражданлар орасида оммалашган эди.

Бу жиҳатдан, қадимги юононларда “Философия” дастлаб бир ҳовуч гражданларнинг касби ва вақт ўтқазишга доир машғулоти сифатида эътибор қозонгани маълум. Ҳақиқатан ҳам, у илк бор халқ оммасидан йироқ, аҳолининг қуий қатламлари тушуниши қийин бўлган мураккаб тил ва тушунчалар тўпламидан иборат машғулот, асосан аристократлар шуғулланадиган касб, кейинроқ эса аристократик фан соҳаси сифатида шаклланган. Аллома бобомиз Берунийнинг «Хиндистон» асарида таъкидланганидек ушбу фан «...авомдан йироқ ва авом учун тушунарсиз фалосуфо» эди. Бугунги кунгача ҳам Гарбда ана шу анъананинг таъсири бор ва бу яққол кўзга ташланиб туради.

Орадан неча асрлар ўтсада, юонон философиясининг жаҳон фалсафасига катта таъсири кўрсатган ва ундан муҳим ўрин эгаллаган ана шу шакли-шамойили ва маъно-мазмуни сақланиб қолаверди. Кейинги асрлардаги воқеа-ходисалар туфайли яқин ўтган даврда фалсафа тарихига нисбатан бир томонлама ёндашув ва бу борада асосан ғарбона анъаналар устувор тамойилга айланди. Афсуски, бу жараён баъзи ҳолларда ҳалигача давом этмоқда.

Айни шу ҳолатнинг мавжудлиги, яъни қадимги юононлардан бошланган онтогносеологик фалсафанинг мураккаблиги ва халқчил бўлмагани учун унинг халқимиз ҳаётидан йироқда қолиб, умумўзбек тафаккурининг таркибий қисмига айланмаслиги, тор илмий доиралар ва таълим тизимида тарқалгани ва ундан ташқарида яшай олмаслигига сабаб бўлди.

Лекин, ушбу масалада яна бир ниҳоятда муҳим жиҳат ҳам бор ва буни ҳам фалсафий виждон ва объектив холислик жиҳатидан алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни Фалес ва Пифагор, Эпикур ва Демокрит, Гераклит ва Суқрот, Афлотун ва Арасту каби кўплаб ёрқин намояндалари бўлган онтогносеологик фалсафанинг халқимиз фалсафий тафаккурининг Биринчи Ренессанс ва ундан кейинги тарихи ва тадрижига ниҳоятда катта таъсири кўрсатганлиги рад қилиб бўлмас тарихий ҳақиқатdir. Ва бу жиҳатдан, унинг нафақат аллома боболаримиз, балки замонавий ўзбек файласуфлари тафаккурида ўзига хос ўрни борлигини ҳам сўзсиз эътироф этиш зарурлиги шубҳасиз, албатта.

Бу жиҳатдан, бугунги кунда ўзбек фалсафасида жаҳон ва *Фарб тафаккури*, хусусан, юнон фалсафасига хос «онтология» ва «гносеология», «логика» ва «риторика», «этика» ва «эстетика», «софистика» ва «апологетика», «метафизика», «эклектика» ва бошқаларга доир «материя», «мақон», «замон», «ҳаракат», «космос», «микрокосмос», «макрокосмос», «атом», «меъёр», «миқдор», «сифат», «зиддият», «инкор», «сабаб», «оқибат», «зарурият» ва «тасодиф», «имконият» ва «воқелик», «шакл» ва «мазмун», «моҳият» ва «ҳодиса» сингари кўплаб тушунча ва категориялар ҳам ўз аксини топгани табиий, албатта.

Тобора глобаллашиб бораётган бугунги дунёning кўплаб халқларига хос миллий фалсафалар учун муҳим таркибий қисмга айланган мазкур тушунча ва категориялар ўзбек фалсафаси учун ҳам бегона эмас ва уларнинг бугунги кунда ҳам ўрганилиши бизни жаҳон фалсафасининг катта қисми билан боғлаб туради ва замонавий цивилизациянинг муҳим жиҳатлари билан узвий алоқадорлигимизнинг ўзига хос диалектикасини ифодалайди.

**Тўртинчи**, *Фарб* фалсафаси тарихчилари учун христианлик фалсафаси, апологетика ва патристика, реализм ва номинализм ғоялари, атоқли илоҳиётчи уламолар Флавий Иустин, Тертулиан, Александриялик Климент, Аврелий Августин, Кентилбериялик Ансельм, Аквиниялик Фома каби кўплаб дин уламоларининг ғоя ва қарашлари ўз минтақалари фалсафаси тарихининг таркибий қисми сифатида қаралиши одатий ҳолга айланган. Ушбу ҳудуд халқлари вакили бўлган қайси мутахассиснинг *Фарб* ёки жаҳон фалсафаси тарихига бағишлиланган асари ёки диссертациясини олманг, ана шу анъана давом этиб келмоқда. Бу тарихий анъана жаҳон файласуфлари томонидан қабул қилинган ҳамда бугунги дунёning барча ҳудудларига кенг тарқалган.

Шундай экан, бизнинг миллий фалсафамиизда ҳам шу таҳлит анъана тўла-тўқис намоён бўлмоғи, яъни турли маслак ва қарашларга эга бўлган аллома боболаримиз, жамладан диний тафаккур вакилларининг мероси ҳам ўзбек фалсафасининг таркибий қисми сифатида қаралмоғи, айнан фалсафий нуқтаи назардан янада кенг ва атрофлича ўрганилмоғи лозим. Бугунги кунда нафақат Зардушт ва Форобий, Хоразмий ва Фарғоний, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек ва Али Кушчилар, балки улар қаторида Бухорийлар ва Термизийлар, Бужайрий ва Уструшонийлар, Замаҳшарий ва Кубролар, Яссавий ва Фиждувонийлар, Нақшбанд ва Порсолар, Маргинонийлар ва Садрушшуаролар, Қаффол Шоший ва Ахрор Валий каби юзлаб диний уламоларимизнинг бой меросини халқимизнинг миллий фалсафаси тарихи ва тадрижининг таркибий қисми сифатида эътироф этиш, фалсафий метология жиҳатидан янада чуқурроқ ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш муқаддас бурчимизга айланди.

Ушбу ҳақиқатни тушуниш эҳтиёжи аллақачон давр талабига айланган ва айнан ана шу заруратни англашгина бизни яқин ўтмишдаги адашишлардан фориғ бўлиш ва асл фалсафамизга қайтиш имконини беради. Асл миллий фалсафамиз эса, бизнинг тилимиз ва қалбимиз, қадриятларимиз ва менталитетимиздан йироқ тафаккур тарзи эмас, балки айни аллома боболаримиздан илк ибтидосини олган тушунча ва тамойиллар, жумладан Ҳикмат илми таъсирида шаклланган миллий тафаккур экани шубҳасиз. Айнан ана шундай ёндашувгина аллома боболаримизни турли фанлар, дин ёки адабиёт каби хилма-хил соҳалар вакиллари сифатида эмас, балки халқимизнинг асл фарзандлари, умумий маънавий-маданий бойликлар ва яхлит этник фалсафий меросимизни шакллантирган Ҳикмат илми намояндалари, яъни Ҳикмат аҳли сифатида тушуниш ва талқин этиш имконини беради.

Бешинчи, «Ўзбек фалсафаси» тушунчасини қадимги Юноистонда шаклланган ва камолга етган, ҳозиргача Ғарб тафаккурини белгилаб келаётган ва бизда кўпчилик дипломли фалсафа мутахассислари асосланадиган онтогносеологик философия тамойиллари нуқтаи назаридан ва унга таяниб шаклланган ғарбона методология жиҳатидан объектив инъикос эттириш ва бутун мазмун-моҳияти билан тўла-тўқис тавсифлаш қийин. Яъни, ўзбек фалсафасини Ғарб фалсафасига хос бўлган ва кўпроқ қадимги Юноистон ва Рим, кейинроқ эса Ғарб фалсафасига алоқадор «Онтология», «Гносеология», «Антропология», «Диалектика», «Софистика» «Этика», «Эстетика» кабилар, улар билан боғлиқ фалсафий қонунлар ва категориялар, тамойиллар ва тушунчалар тизимига асосланиб таҳлил қилиш кутилган натижани тўла-тўқис бермаслиги мумкин.

Негаки, методологик жиҳатдан, ўзбек фалсафасининг энг қадимги антик давридан ташқари, кейинги қарийб бир ярим минг йиллик тарихи ва тадрижи ота-боболаримиз юзлаб йиллар давомида эътиқод қилиб келган ананавий ислом тафаккури ҳамда Форобийдан бошланадиган Ҳикмат илмига асосланади ва унинг миллий заминимиздаги намоён бўлиш шаклларидан биридир. Яъни ушбу фалсафанинг мазмун моҳиятини ва аҳамиятини аниқ-тиник тасаввур қилиш учун Форобийнинг фалсафани «Ҳикмат илми» дея тавсифлагани ва ундан кейинги ислом фалсафасида ана шу тавсиф умумэътироф этилганини назардан қочирмаслик лозим.

Аллома бобомизнинг фалсафага нисбатан қўллаган «Фалсафа – ҳикмат илмидир» деган лўнда ва сермазмун таърифи, у томонидан ишлаб чиқилган фалсафий категориилар, тушунчалар ва тамойиллар тизими ўша даврда бутун ислом олами илм аҳли орасида машҳур бўлиши ва эътироф этилишининг сабабларини англаш унчалик мушкул эмас, албатта. Чунки ўша даврда «Ҳикмат

илми» сифатида тавсифланган янги фалсафа эл-юрга танилмаган ёки тор доирада маълум бирор-бир шахс эмас, балки замонасининг энг машҳур ва атоқли олими бўлган Форобий қаламига мансуб эди ва бу жиҳатдан ниҳоятда асосли ва ишончли таъриф сифатида тушунилар ва талқин қилинарди. Ўша даврда алломанинг номи шу даражада машҳур эдики, уни мусулмон оламида «Шарқ Арастуси», «Иккинчи муаллим» деб атар эдилар ва у 160 дан ортиқ китоблар муаллифи сифатида даврининг энг етук ва энг баланд даражада эътироф этилган файласуфи эди.

Форобийдан кейин у томонидан ишлаб чиқилган тушунча ва таърифлар унтилимади, аксинча бутун Араб халифалиги мамлакатлари илм-фанида кенг миқёсда қабул қилинди. Халифалик тарқалиб кетганидан кейин эса, асрлар давомида кўплаб Шарқ мамлакатлари, ислом тарқалган ҳудудларда кенг қўлланди ва эътироф этиб келинди. Форобий томонидан янги фалсафа – «Ҳикмат илми» яратилганидан 300 йил ўтиб аллома Яссавийнинг ўз фалсафий девонига «Ҳикмат» номини бергани ҳам бежиз эмас. Ўз навбатида бу, Форобий фалсафа илмига киритган тушунча ва таърифларнинг нафақат илм-фанда, балки ҳалқ орасида ҳам маълум ва машҳур бўлгани, ўз даврининг энг етук алломаларидан бири, машҳур файласуф бобомиз Ҳожа Аҳмаднинг «Ҳикмат» иборасини ўз девонига ном сифатида танлагани эса, асло тасодиф бўлмаганидан далолат беради.

Жаҳон фалсафасининг ҳар қандай мінтақавий ёки миллий шакли каби, ўзбек фалсафасининг амалиёти ва такомили билан узвий боғлиқ тадрижий жараёнда муайян фалсафий тушунча ва тамоиллар, категориялар ҳалқимиз тарихи давомида аста-секин шаклланган ва такомиллашиб борган. Олис асрлар қаъридан келаётган ушбу жараёнда Биринчи Ренессанс давридан бошлаб шаклланган кўплаб фалсафий онтологик ва гносеологик тушунча ҳамда тамоиллар ҳалқимиз тафаккурига сингиб кетган.

Бу жиҳатдан замонавий ўзбек фалсафасида “Ҳикмат илми”га хос «Жавҳар» ва «Ораз», «Ваҳдат ул-вужуд», «Ваҳдат ул-вожиб», «Ваҳдат ул-мумкин», «Ваҳдат ул-шуҳуд», «Олами кубро» (Катта олам) ва «Олами суҳро» (Кичик олам) ҳамда шунга уйғун бўлган «Олами акбар» ва «Олами асгар», «Офоқ» ва «Анфус», «Ақл» ва «Нақл», «Ақлий билим» ва «Нақлий билим», «Анал ҳақ», «Ақл ал-фаол», «Ҳалол ва ҳаром», «Дил ба Ёр», «Даст ба кор», «Вуқуфи замоний» каби тушунчалар, категориялар ва тамоиллар тизими ҳам ўз ифодасини топмоғи зарур. «Устози соний»дан бошланадиган «Ҳикмат илми», «Ҳикмат аҳли» каби тушунчалар, «Фалсафа – ҳикмат илмидир» деган тамоил ҳам мазкур тизимнинг муҳим жиҳатини ташкил этиши зарурлиги эса баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқатdir.

**Олтинчи,** ўз навбатида алоҳида таъкидлаш жоизки, ўз даврида ушбу фалсафий тушунча ва тамойиллар тизимининг ишлаб чиқилиши нафақат бизнинг ватанимиз, балки бутун Шарқ фалсафаси, ислом тарқалган халқлар тафаккури ва дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва ўзига хослигини англашга доир кўплаб мумтоз ғоя ва қарашлар, таълимотлар ва назариялар яратилишида муҳим аҳамият касб этган.

Шу маънода, алоҳида таъкидлаш жоизки, Қадимги Юнон фалсафасидан кейин жаҳоннинг бирор-бир минтақасида ундан томомила фарқ қиласидан ва айни пайтда унинг кўплаб анъаналарини давом эттирган, ниҳоятда ўзига хос тушунчалар ва категориялар, тамойиллар тизимиға эга бўлган, кенг ҳудудда тарқалган ва қатор оқимлар, ўнлаб йўналишларни қамраб олган, асрлар давомида сайқалланиб ва замоналар оша такомиллашиб келган Илми ҳикматдек яхлит ва ўзига хос фалсафий таълимотлар мажмуи шаклланмаган.

Форобийдан бошланган ушбу серқирра фалсафанинг кейинги ривожида Ал-Берунийдан ибн Арабийгача, Ибн Синодан Насафийгача, Ғаззолийдан Ибн Рушдгача, Умар Хайёмдан Улуғбеккacha, Алишер Навоийдан Аҳмад Донишгача ва улардан кейинги кўплаб Шарқ алломалари, жумладан жадидлар фалсафасига оид қарашлар ва таълимотларда ҳам Ҳикмат илмининг излари ва таъсири яққол сезилиб турди. Бугунги кунда истиқлол шарофати билан оёққа туроётган «Ўзбек фалсафаси» йўналишида яратилаётган асарларда ҳам ана шу меросга алоҳида аҳамият қаратилиши зарурлиги давр талабига айланганининг энг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда...

Юнон философиясига хос халқдан йироқлик билан боғлиқ камчиликни ютуқ сифатида идеаллаштириш собиқ Иттифоқ даврида авж олди, дипломли файласуфлар доирасида устувор ҳолатга айланди ва ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бу тоифадаги аксарият кўпчилик юртимиз заминидан етишиб чиққан алломаларимизнинг жаҳон фалсафасига қўшган бебаҳо ҳиссаси сифатида баҳоланадиган фан соҳаси – «Илми ҳикмат»га хос тушунча ва категорияларни ҳалигача аллақандай олис тарих қаърида қолиб кетган ва замонавий фалсафага алоқаси йўқ, архаик воқелик тарзида тасаввур қиласиди. Холбуки бугунги кунда ҳам барча араб давлатлари, Покистон, Эрон, Туркия, Афғонистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда ушбу тушунчалар кенг қўлланади ва халқ фалсафий тафаккурининг таркибий қисми сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келади.

Дастлаб араб халифалигида шаклланган анъанага кўра, ислом дини ва унинг муқаддас китоби бўлган Куръони Каримдан озиқланган ва шу асосда аниқ йўналиш олган Ҳикмат илми аввало Яратганинг иродаси ва яралганлар тақдери, борлик ва йўқлик, олам ва одам ўртасидаги муносабатлар, дунёни ва ўзликни англаш, замонга ҳамнафас бўлиш ва умрни мазмунли ўтказиш,

инсон камолоти, унинг ақли, тафаккури ва билиш жараёнлари каби масалаларга доир билимлар мажмуаси ва ҳаёт фалсафаси тарзида намоён бўлди. Аллома боболаримиз ҳикмат илмини қадимги юонон файласуфлари каби халқдан йироқ тамойил, деб эмас, балки айнан халқ учун, ислом аҳкомларини аҳолининг барча қатламларига сингдириш ва уларни Аллоҳ васлига етишиш йўлидаги умр бўйи саёҳатларида комил инсон даражасига қўтарилишлари учун тушунарли илмий тилда баён этиш мақсадида ишлаб чиққанлар ва асрлар давомида сайқаллаб борганлар.

Бу жиҳатдан, аллома боболаримиз нима сабабдан фалсафани «Ҳикмат илми» тарзида тушунгандарни ва улар қайси илм соҳаси билан шуғулланганларидан қатъи назар, ҳикмат ва дониш аҳли сифатида эътироф этилганининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англаш муҳимдир. Шу маънода, «Фалсафа – фанларнинг отаси» деган мумтоз таърифнинг асл маъно-мазмунига етиш учун муайян давр мобайнида мустақиллик шароитида яшаш керак бўлди, десак, айни тарихий вазиятни ва фалсафий янгиланиш жараёнини тўғри ифода этган бўламиз.

Ислом кенг тарқалганидан сўнгги дастлабки асрларда халифаликда юонон фалсафасига эътибор ортгани сабабли баъзи мусулмон алломаларининг ушбу тамойилни сақлаб қолишга интилгани ва уларнинг халқчил ислом илоҳиётчилари томонидан танқид қилингани асло бежиз эмас. Негаки, исломга халқдан йироқ бўлган бундай билим ва қарашлар тизими фойда бермас эди, чунки бу дин ва унинг аҳкомлари барчага тушунарли ва содда ифодалансагина кенг тарқалиши ва турли халқлар онгига сингиши, тарқалиш худуди кенгайиши ва тарафдорлари қўпайиши мумкин эди.

Юртимизда шаклланган ва буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобийдан куч олган «Фалсафа – ҳикмат илмидир» деган таълимот ана шу тамойил асосида яратилди, унга хизмат қилди, уни мустаҳкамлади ва алломаларимиз орасида кенг тарқалди. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг отаси, Нажмиддин Кубронинг шогирди, «Султон ул-уламо» деган юксак эътирофга сазовор бўлган машҳур аллома Баҳоваддин Валаднинг ўз даврида Балхда 300 га яқин файласуфни йиғиб, юонон фалсафаси тамойилларига ортиқча берилмаслик ва халқчил Илми ҳикматни ўрганиш зарурлиги ҳақида ўзига хос илмий-амалий машғулотлар ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Еттинчи, бу жиҳатдан «Ўзбек фалсафаси» тушунчаси тарихи ва тадрижи талқинида яна икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор бериш зарур. Аввало у халқимиз қадимдан яшаб келаётган Туронзамин, Сирдарё ва Амударё ҳавзасида шаклланган миллий тафаккур, фалсафий таълимотлар ва назариялар туғилган ушбу юртда истиқомат қилувчи кишиларнинг маънавий қадриятлари ва

умумфалсафий қарашларидан иборат умумэтник зоҳирийлик, яхлит ижтимоий ҳодисани англатади.

Айни пайтда, ўзбек фалсафаси ана шу миллий маконда туғилиб вояга етган ёки ўзга диёрлардан келиб, Ватанимизда яшаб ижод қилган мутафаккир боболаримизнинг турли тилларда яратган ҳикмат илми, хилма-хил уруглар ва шажаралар вакиллари, атоқли алломаларнинг асарлари, фалсафий меросининг умумий мажмууси ҳамдир.

Яна шуниси аниқки, гарчанд уларнинг баъзилари диний ирфоний ёки маънавий-маърифий йўналиш, бошқалари эса табиий-илмий ёки бадиий тафаккур, наср ва назм вакиллари бўлсаларда, алал-оқибат барчалари ҳикмат ахли сифатида умумфалсафий мезонларни чукур эгаллаган ва ўз даврининг атоқли файласуфларига айланган беназир зотлардир.

Уларнинг даврида ақлий билимлар нақлий билимлардан, фалсафа ирфондан, бадиий тафаккур фалсафий мезонлардан сунъий ажратилмас, илмнинг барча жабҳалари Ҳикмат илмининг таркибий қисмлари, бинобарин алломаларнинг ўзлари эса бири уламо ёки дин арбоби, бири ҳукмдор ёки пешқадам олим, бошқаси назм ёки наср вакили бўлишидан қатыи назар, «Ҳикмат ахли» деган тоифага мансуб қатлам вакиллари ҳисобланар эдилар.

Шу маънода, юртимизда туғилган ёки яшаб, ижод қилган, аждодлари ватандошларимиз бўлган ва халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини ўз асарларида акс эттирган юзлаб мутафаккирлар, табиий-илмий фанлар, диний-ирфоний ва фалсафа илмлари, назм ва наср алломалари меросига айнан шундай ёндашув Ўзбек фалсафасининг илдизлари қанчалик чуқур, қамрови кенг ва захираси эса нақадар бойлигини яққол кўрсатади.

Бу жиҳатдан оламга машҳур боболаримиз Хоразмий ва Фарғонийлар, Бухорий ва Термизийлар, Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Мотурудий, Уструшоний ва Бужайрийлар, Марғиноний ва Замаҳшарий, Насафийлар ва Кешийлар, Амир Хусрав Дехлавий ва Ғиждувоний, Яссавий ва Кубро, Нақшбанд ва Порсо, Ҳаким Термизий ва Боҳарзий, Тафтазоний ва Журжоний, Ҷағминий ва Коший, Қаффол Шоший ва Аҳрор Валий, Улуғбек ва Али Қушчи, Жомий ва Навоий, Бобур, Бедил ва Машраб, Сўфи Оллоҳёр ва Аҳмади Дониш каби мутафаккирларни кўхна Туронзамин аҳолисининг умумий аждодлари, улар қолдирган маънавий-маърифий ва диний-ирфоний бойликларни эса, минтақамиз халқларининг яхлит мероси сифатида қараш тарихий адолат нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Гарчанд бу маънавий мероснинг шаклланиши ва такомили турли даврларда рўй берган бўлса-да, асл мазмун-моҳиятига кўра у яхлит ва бир бутун ўзбек фалсафасининг асоси, она заминимизда яшаган барча авлод ва

аждодларимизнинг умумий қадриятидир. Шу маънода, бу борадаги тадқиқотдан мақсад бирор-бир геоцентризм, европацентризм ва осиёцентризм, миллий маҳдудлик ёки этник мумтозлик даъвоси эмас, балки уни Ватанимиз худудида яшаган аждодларимиз яратган яхлит мерос, инсоният тафаккурининг таркибий қисми сифатида холис ўрганиш ва ундан сабоқ олишдан иборатdir.

**Саккизинчи,** шу билан бирга, ислом тафаккури ва амалиёти доирасида шаклланган ва асрлардан буён сақланиб, турли шакл ва хилма-хил мазмунда намоён бўлган тасаввуф ҳамда унинг тариқатлари ҳам ўзбек фалсафаси тадрижига катта таъсир кўрсатган ўзига хос омиллардан бири эканини назардан қочирмаслик лозим. Баъзи фикрларга кўра, “Тасаввуф таълимоти билан шуғулланган уламолар тасаввуфни сунний ва фалсафийга бўлганлар. Фалсафий тасаввуфни барча йўналиш аҳллари қоралайдилар ва инкор қиласидилар, Куръон ва суннатга асосланган сунний тасаввуфни қувватлайдилар. Фалсафий тасаввуф кейинчалик пайдо бўлиб, турли фалсафалар таъсири остида исломга ёт бўлган фикр ва эътиқодларни олға сурган” деган қарашлар ҳам йўқ эмас.<sup>1</sup>

Аслида эса, бунда гап фалсафага диний-ортодоксал қараш ёки уни табиий-илмий ёндашувлар омили сифатида изоҳлашга интилиш устиворлик қилиши ҳақида бормоқда, дейиш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан, диний-ортодоксал қараш тарафдорлари наздида фалсафа инсонни Яратганинг иродасига бўйсўниши даражасини пасайтириши ва илоҳий кучларга ишончини кучизлантириши, уни охират қайғусидан бошқа йўлларга бошлиши, бу дунё ташвишлари ёки илм-фан амалиёти билан чалғитиши мумкин экан.

Фалсафага бундай қараш унинг тарихида янгилик эмас ва бу милоднинг 529 йилига келиб Рим императори Юстиниан томонидан Платон академияси ва барча философия мактабларини ёпиш, ўша давргача мавжуд бўлган ва христиан черкови хуш кўрмайдиган ҳамма кутубхоналарни йўқотиш ҳақидаги қарорга келиш учун асос бўлгани тарихдан маълум.

Асрлар давомида баъзи дин уламоларининг фалсафага нисбатан бундай ғайри қарашининг замирида инсониятга олам ва одам, борлик ва йўқлик, яралиш ва яратмиш, умрнинг мазмуни ва ҳаётнинг маъноси, илм-фаннынг ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ масалаларда диний ёндашувдан фарқ қиласидиган фалсафий ёндашувнинг ҳам мавжудлигидир.

Фарбда ҳам Шарқда ҳам ушбу тенденция мавжуд ва бу борада ҳар бир томоннинг ўз ғолиблари ва мағлублари, яъни Суқрот ва Платонлари, Фома Аквински ва Жордано Брунолари, Газзолий ва Ибн Рушдлари бор. Ортодоксал дин уламолари томонидан ўзбек фалсафасининг забардаст намоёндалари

<sup>1</sup> Ислом манбашунослиги. - Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – Б. 220.

Хоразмий ва Фарғоний, Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Мирзо Улуғбек, Али Күшчи ва Аҳмад Доғиши каби алломалар меросига нисбатан муносабатда ҳам ана шундай ҳолатни яққол сезиш мумкин...

**Тўққизинчи**, инсон тафаккури ўзгариши, жамият дунёқарашининг янгича тамойилларга эга бўлиши давомли ва мураккаб жараёнлиги маълум. Ҳалигача «Ўзбек фалсафаси» мавзууда фундаментал тадқиқотлар, китоблар, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар камлиги, шу номдаги кафедра ёки илмий марказ фаолиятини йўлга қўйиш ва ўқув фани бўйича дастурлар ҳамда дарсликлар яратиш зарурати сақланиб қолаётгани ҳам яқин ўтмишдаги йўқотишлиарнинг таъсирини яққол кўрсатади.

Холбуки, инглизларда нафақат «Инглиз фалсафаси» балки «Бекон фалсафаси» ва «Парсонс фалсафаси», немисларда «Немис фалсафаси»дан ташқари «Кант фалсафаси», «Гегель фалсафаси» ва бошқалар алоҳида, маҳсус ўрганилади. Француз ва испанларда, греклар ва итальянларда ҳам шундай ва бунга ҳеч ким ажабланмайди. Аслида ҳам шундай бўлиши, муайян миллат ўз фалсафасини аввал ўзи чуқур ўрганиши, дунёқарашининг асосига айлантириши, сўнгра эса, зарурат бўлса, бошқаларга ҳам тавсия этиши ва тарғиб қилиши мумкин.

Аввало, айтиш керакки, тоталитар даврда ҳам фалсафамиз тарихи бўйича муайян ишлар олиб борилган, лекин тарихий-фалсафий тадқиқот методологияси синфий мағкурага асосланганлиги учун, фалсафамиз тарихи бузилган ва сохталаштирилган ҳолда ёритилган бўлиб, унинг холисона ва тўлалигича тикланиши учун имконият бўлмаган. Бундаги субъектив омил шундан иборатки, яқин ўтмишда фалсафа тарихини тадқиқ этишдаги анъаналаримиз ҳисобга олинмасдан, давр руҳини белгилаб берган алломаларнинг фалсафий қарашларидағи муҳим қадриятлар ва концептуал маъно ва назарий мазмун четлаб ўтилди. Алломаларимизнинг ўтган асрнинг энг сўнгти ўн йиллигидан илгари чоп этилган асарларини нашрга тайёрлашда бундай бир ёқламаликка йўл қўйилгани маълум. Фалсафамиз тарихидан унинг муҳим компонентлари бўлган бир нечта оқимлар, диний-фалсафий таълимотлар, хукмрон мағкурага зид бўлган ғоялар олиб ташланган.

Шунинг учун ўша даврдаги методологик жиҳатдан бир томонлама тадқиқ этилган, сохталаштирилган, бузилган ва тақиқланган алломалар мероси янги даврга келиб қайта тикланди ва атрофлича ўрганилмоқда. Бу борада ҳозирги давр олдимизга қўяётган ўта долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ваҳоланки, аллома боболаримизнинг фалсафий ғоялари, тарихий тамойиллари ва услублари ҳозирги ёндашувларга мос келади ҳамда ушбу

соҳадаги тадқиқот ва изланишларда ишлатилиши, янада кенгроқ қўлланилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Ўнинчи,** фалсафанинг моҳияти ва унинг тарихидан маълумки, бу борадаги ижод билан боғлиқ қонуниятлар насрий адабиёт, шеърият ёки журналистика соҳаларидан жиддий фарқ қиласди. Яъни ушбу соҳаларда адабиётлар, асарлар кундалик турмуш, турли воқеа-ҳодисалар ва жараёнлар билан боғлиқ тарзда узлуксиз ёзилаверади, пайдар-пай чоп этилаверади.

Фалсафий асарлар ундей эмас. Бир фалсафий ғоя яратилдими ва у эътироф этилдими асрларга қолади, уни тақрор яратиш шарт эмас. Турлича талқинлар бўлиши мумкин, аммо фалсафий ғояларнинг тарихий тақозолангандиги қоидасини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Шунинг учун фалсафий асарлар сон-саноқсиз ёзилмайди ва кўп миқдорни ташкил этмайди. Адабиётда аҳвол бошқа, дунёда ва бутун тарих давомида бир мавзуда, турли тилларда ва хилма-хил жанрларда минглаб асарлар, шеърлар ёзилган бўлиши мумкин ва бу одатий ҳол ҳисобланади.

Фалсафа тарихи нуқтаи назаридан, инсониятнинг ёки бирор-бир халқнинг фалсафий даҳоси, ижтимоий тафаккури кўплаб етук асарларни яратган улкан кўтарилиш даврлари бармоқ билан санайдиган даражада камёб феноменлар ҳисобланади. Айнан ана шундай даврларга нисбатан бирор-бир халқقا мансуб муайян номдаги фалсафа мактаби шаклланган, унинг тамал тоши қўйилган замон сифатида қаралади.

Қадимги эллинлар даври «Юонон фалсафаси», ўша замонлардаги Хитой ва Ҳиндистондаги уйғониш даври «Хитой фалсафаси» ва «Ҳинд фалсафаси», ўрта асрлардаги Европа Ренессанси «Италия фалсафаси» ва «Инглиз фалсафаси», XVIII–XIX асрлардаги ривожланиш эса «Француз фалсафаси» ва «Немис фалсафаси» каби тушунчаларни илм-фан тарихига мустаҳкамлаганининг сабаби ушбу соҳадаги тарихий тақозолангандик билан боғлиқ қонуниятнинг намоён бўлганини англатади.

**Ўн биринчи,** Ўзбек фалсафаси тарихига, унинг генезиси ва динамикасига доир яна бир замонавий жиҳат кузатилаётганини ҳам алоҳида қайд этмоқ керак. Бизда ўтган асрларда ва кейинги йилларда биринчи ва иккинчи Ренессанс даврлари, улардан ташқари асрларга оид ислом уламолари ва диний мазмундаги асарларга доир мавзуларда тизимли ва қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда, мутафаккирларимизнинг кўплаб китоблари чоп этилмоқда. Бу таҳсинга сазовор ва ниҳоятда зарур иш албатта.

Айни пайтда, ўша даврларда яшаган ва асосан табиий-илмий ва фалсафий мавзу-масалалар билан кўпроқ шуғулланган файласуф, мантиқшунос, астроном, математик ва бошқа соҳалар вакиллари бўлган алломаларнинг

меросига ҳам ана шундай алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Бу жиҳатдан, «Ўзбек фалсафаси қомуси», «Ўзбек фалсафаси антологияси», «Ўзбек фалсафаси алломалари» рукнида йирик асарларни тайёрлаш ва янги тафаккур асосидаги шарҳлар билан чоп этиш ҳам мазкур соҳадаги долзарб вазифалар сирасига кириши шубҳасиз.

Хозирги кунларда мамлакатимизда ижод аҳлига эътибор кучаймоқда. Тил ва адабиёт, журналистика соҳасида қанчадан-қанча минбарлар, нашриётлар ва таҳририятлар, телестудиялар, ижод мактаблари ва олий ўқув юртларининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу борада илмий марказлар, тадқиқот институтлари ишлаб турибди, ушбу соҳа вакиллари учун ижод уйлари ва бошқа шарт-шароитлар ҳозирланган. Кўплаб олий ўқув юртлари, факультетлар ва бўлимларда мазкур йўналиш бўйича минглаб кадрлар тайёрланмоқда.

Бундай шароит соҳа вакиллари учун ўтмишда орзу эди ва у ҳозирги даврга келиб амалга ошиди. Ушбу ижобийликларнинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Айни пайтда, ушбу соҳалар билан бир қаторда фалсафа ва бутун ижтимоий фанлар йўналиши учун ҳам ана шундай тизимли эътибор қаратилиши эса, бу жабҳанинг ҳам тубдан янгиланиши, илдам қадамлар қўйиши учун зарур шарт-шароитлар яратган ва имкониятларни янада кенгайтирган бўлур эди.

**Хуллас**, бугун замон ва тафаккур янгиланмоқда, Ўзбекистон ва ўзбек халқи янгиланмоқда. Узок ўтмиш, кечаги ва бугунги кун, ҳозирги авлоднинг миссияси ва келажакдаги устувор вазифаларини англашга нисбатан муносабат ва қарашлар ўзгармоқда. Халқимизнинг миллат сифатидаги ўзлигини англаши, ўз маконида эмин-эркин яшаши, маънавий қиёфаси ва миллий қадриятларини асраб-авайлаши, ўз тақдирини ва истиқболини ўзи, мустақил ҳал қилиши учун муҳим асослар яратилиб, имкониятлар кенгайиб бормоқда.

Ҳар қандай миллий фалсафа каби, бугунги ўзбек фалсафаси ҳам ана шундай дориламон замон эҳтиёжлари, ҳозирги давр талаблари ва чорловлари эпкинидан четда туролмайди, албатта. Гарчанд, фалсафа, ижтимоий фанлар, ғоя ва мағкурага нисбатан қарашлар анча ўзгарган бўлсада, аммо бу ушбу фан соҳаларининг давр талаби ва ҳаёт нидоларига жавоб бермаслиги, замон билан ҳамнафас бўлмаслиги, ҳар қандай янгиланиш учун хос бўлган зиддиятли ва муаммоли жараёнлардан кўз юмиши зарурлигини англатмайди.

Бу эса, ўз навбатида, замонавий ўзбек фалсафаси умумбашарий муаммолар билан бирга, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илғор фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар тамойиллари, устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларини акс эттириши зарурлигини ҳам англатади. Ўз навбатида бу, ҳозирги даврда ўзбек фалсафаси

тариҳи ва тадрижини, унинг келажагини белгилайдиган омилларни тадқиқ этишга қаратилган янги методологияни ишлаб чиқиш, уни маҳсус ва тизимли ўрганиш даври ва эҳтиёжи вужудга келганидан далолат беради.

Шу билан бирга, бу борада инсон ва жамиятни тараққиётга бошлайдиган эзгу ғоялар мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгига сингдириш, жамиятимизда янги дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолият ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси бугунги ўзбек фалсафасининг долзарб вазифалари бўлиб, уларни амалга ошириш зарурати барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди